



>>> 1 март – Шукронана куни

# БИРЛИК – БАРАКА МАНБАИ



**Миллатларо тотувлик**  
– Қозоғистон халқыннан  
бебаҳо қадриятларидан  
бира. Ҳар биримиз буюк  
тарихимиз, буюк маънавий  
меросимиз билан ҳақли  
рашида фахрланамиз.

Табиити, ҳар қандай да-  
рахтнинг қандай гуллаши  
ва қандай мева берини  
унинг илдизлари туташ-  
ган туроқса боғлиқ. Бўш  
жойда ҳеч нарса унмайди.  
Ихтимоий-маънавий тарақ-  
қиётда ҳам улкан ғалаба-  
ларга эришмоқ учун йирик  
маданий анъана ва мада-  
ний мерос керак. Бу бебаҳо  
бойликларимиз, жумладан,  
муқаддас анъаналаримиз  
ва қадриятларимиздир.

Шунни алоҳида гурур ва иф-  
тихор билан таъкидлаш мум-  
кини, азалдан қозоғистон-  
никларга зийнат бўлиб кел-  
ган олийжоноблик, меҳнат-  
севарлик, инсонпарварлик,  
меҳмондустлик, ўзаро ахиллик  
ва ҳамжиҳатлик, миллатларо  
тотувлик ва бағрикенглик каби  
гўзал маънавий фазилатлар  
она Ватанинга, элу юрга нис-  
батан муҳаббат ва садоқат  
тутугула бугунги кунга келиб,  
элизимизнинг жаҳон ҳалқлари  
ўртасидаги қадр-қимматини ва  
обрў-этиборини янада оши-  
риб, дунё ахлиниң мустақил  
давлатимизга, бунёдкор ҳалқи-  
мига ва келажамига бўлган  
ишонч тобора ортиб боришига  
асос бўлмоқда. Зоро, респуб-  
ликамиз миллий сиёсатининг  
ўзига хос ва ўзига мослиги  
ҳам айнан мана шундадир.  
Президент Қасим-Жўмарт Тў-  
қаев адолатли давлатни барпо  
этишини кўзлаб, республика  
фуқароларининг муносаби ҳёт  
кечиришларни таъминлашга  
интилоқда.

Конституциямиз ҳам ана  
шу бебаҳо қадриятларимизга  
асосланган. Ҳатто кўп миллат-  
ли республикамизда истиқо-  
мат қилаётган турли этноса  
мансуб юртдошларимизнинг  
ҳаёти, уларнинг турмуш тарзи,  
хулқ-атвори ва дунёкарасида  
ҳам ана шу қадриятларимиз  
ва ҳалқимида хос бўлган юк-  
сак маънавий фазилатлар-  
нинг ижобий таъсири ўзининг  
ёрқин ифодасини топган. Бу  
омил эса Ватанининг осо-  
ишиштагини, турмушимизнинг

фаровонлигини ва тараққиёт  
йўлнимизнинг собитлигини таъ-  
минлашда мухим аҳамият каоб  
этмоқда. Зотан, барча юрт-  
дошларимизнинг эртанги кунга  
ишончи, бугунги кундаги ҳаёти  
ва тақдиридан мамнунлиги  
ҳар қадамда сезилмоқда. Улар  
“Янги Қозоғистон” гояси атро-  
фифа мустаҳкам жиспалишиб,  
адолатни давлат тамоилининг  
асл мөхиятини чукур англаб  
етди. Шу мүкаддас Ватаниннинг  
буюк келажагини барпо  
этиш ва унинг мустақиллигини  
янада мустаҳкамлаш ўйлида  
фидойлик билан сидидилдан  
мехнат килишмоқда. Мамлака-  
тимизнинг келажагига ишонч  
уларнинг фаолиятида, турли  
соҳаларда кўрга киритаётган  
ютуклиарида ёрқин намоён бўл-  
моқда. Конституциямиз орқали  
кафолатланган тенг ҳуқуқ ва  
кенг имкониятлар эса уларнинг  
кучига, куч, кувватига кувват  
кўшиб, янгидан янги зафарлар  
сари илхомлантиришада.

Айни чогда, бу омиллар ёш-  
ларимизни миллатлараро то-  
тувлик ва фуқаролар ҳамжи-  
ҳатлиги руҳида тарбиялашда  
муҳим аҳамият каоб этмоқда.  
Камина бошқарётаётган “Қозо-  
ғистон рус, славян ва казаклар  
ташкитлари” ҳамжамияти  
мунтазам равиша учрашув ва  
анхуманлар ўтказиб туради.  
Турли миллатлар орасида-  
гу ўзаро ахиллик, айниска,  
байрамларда, юртимизда ни-  
шонланадиган тантанали ма-  
росимлар ва халқ сайлларида  
ўзининг бутун бир жозигаси  
билан намоён бўлади. Бун-  
дай кунларда мамлакатимизда  
фаолият юртётаётган ЭМБ ав-  
зозлари ҳам турли либослар,  
тиллар ва турфа оҳангларда  
ўзларининг шукроналик туйу-  
ларини, шу мүкаддас заминга  
мехнат килишибатини ўзларининг  
куй ва қўшиклири билан ифода  
этадилар. Шундай пайтларда  
юртдошларимиз 130 миллатга  
бошана бўлган Қозоғистони-  
миз ҳакиқий тинчлик, дўстлик,  
бағрикенглик, бирлик ва ҳам-  
жиҳатлик мамлакати эканлиги-  
ни яна бир карга ҳис этадилар.  
Байрам кунларидаги шоду  
хур-  
рамлик билан турли миллат ва-  
киллари иштироқида ўтётган

шодиёналарни айтмайсиз...  
Бугун – байрам. Шукронана  
кунда қозоғистон славянлари  
ҳам юртимиз мустақиллигин-  
ни, яни Ватаниннинг истиқомат  
қилаётган барча миллат  
вакилларига тенг ҳуқуқлини  
кафолатлаб, уларнинг тили, маданияти,  
урф-одат ва анъана-  
напарининг ривожланиши учун  
кенг шароғи ва имкониятлар  
йўлини очиб берган истиқло-  
лимизнинг муҳим бир кисми  
еканлигини чукур англаб ет-  
моқдалар. Бу эса, аввало, кўп  
миллатли ҳалқимиз руҳиятида,  
Президентимиз табиби билан  
килалашади. Камина ўнда ҳаёт  
дагидан ташкирига ҳаётни  
табиби билан ҳаётни таркиб  
тотиришади. Табиимиздаги янги  
ислоҳотлар жамиятдаги сало-  
ҳиятни кучларни рӯёбга ҷи-  
риша мўлжалланган. Жамият  
ўз олдига мустақил фикрлович  
эркин шахсни шакллантириши  
вазифасини қўймоқда. Бу ўз  
қадр-қимматини англайдиган,  
иродаси бақувват, ийноми бу-  
тун, ҳаётда аниқ мақсадга эга  
бўлган инсонларни тарбиялаш  
деганидир. Шундагина онгли  
турмуш кечириш жамият ҳаётини  
бosh мезонига аланади. Шундун  
одам ўз ақли, ўз масъулияти  
билан онгли тарзда озод ва  
хур фикрли инсон сифатида  
ҳаёт кечиришади.

Мазкур фикрларни хуласа-  
лаган ҳолда, ёшлар тарбиясига  
барчамиз маъсулликни ҳис-  
килиб, жамиятимизга хос бўл-  
маган иллатларга қарши бир-  
галикда курашишимиз лозим.  
Зоро, баркамол авлод ва юксак  
ахлоқли ватанпарвар ёшлар  
буғунимиз ва эртамизнинг ҳа-  
қиқий давомчиларирид.

**В. БОЖКО,**  
«Қозоғистон рус, славян ва  
казаклар ташкитлари»  
ҳамжамияти раиси.

**МИННАТДОРМИЗ!**

Шукронана кунни... Баҳорнинг илк  
куни билан бирга келадиган ва  
хотирхамлиқ келтирадиган ёрқин  
байрам! Миннатдорчилик – бу  
қаблаларга ҳузур баҳш этадиган  
ажойиб фазилат, юксак ахлоқий  
бүрч. Ким ҳар куни, ҳар нафаси  
учун Яратгандан, сўнгра яшаётган  
заминдан миннатдор – рози бў-  
лар экан, демак, унда юксак ахло-  
қий фазилатлар мухассам.

Қозоғистонда истиқомат қилаёт-  
ган ўзбеклар ҳамма вақт буғунги  
тинч ва хотиржам ҳаёти, муваффақиятли меҳнат-фаолияти  
учун шукроналик ҳисси билан яшамоқда. Кечакундуз меҳнат қилиб, юртимиз фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Байрам муборак бўлсин, у билан бирга кириб келган Рама-  
зон ойи ҳам куттуғ бўлсин! Қозоғистонимиз доим гуллаб-я-  
нейверсин!

**Икром ҲОШИМЖОНОВ,**  
ҚҲА «Дўстлик» ҳамжамияти раиси.

## БАЙРАМДАН БАЙРАМГА ЕТАВЕРАЙЛИК!

Қозоғистонда 1 Март Шукронана  
куни сифатида кенг нишонланаёт-  
ган экан, албатта, биз ҳам барчани  
ушбу шодиёна билан муборак-  
бод этиши шошиламиш.

Қолаверса, юртдошларимиз-  
ни бу ойда кўшалок байрамлар  
кутаётir. 8 Март – Хотин-қизлар  
куни, Навруз олам ҳам кенг жа-  
моатчилик қўтиринки кайфиятда  
карши оладиган саналар. Бир-  
лашмамиз шу боис қизиқарли  
концертлар, шодиёналар, хайрни тадбирлари уюштироқда.  
Қишлоғ эсон-омон чиқиб, баҳорги кайфиятни ҳис этиш, кенг  
жамоатчилик билан ҳамнафас бўлиш учун уюштирилаётган  
тадбирларимизда фаолликка чакирамиз. Қадр-қиммат, хайрни  
саҳоват, меҳр-оқибат қадриятлари тараённум этиладиган тад-  
бирларимизда Сизни кутиб қоламиз.

1 Март – умумхалқ байрами сифатида ҳаётимизга кириб  
келди, илойим, қадами куттуғ ва баракали бўлсин. У мүқаддас  
Рамазон ойи билан бақамти кеди. Оилаларда бу мўътабар  
оий шукухи, тинчлик-хотирхамлик, баҳти саодат, қувончу  
шодлик бўлишига тилакдошмиз.

**Тоҳир НИШОНБОЕВ,**  
Шимкент шаҳар ўзбек  
этномаданият бирлашмаси раиси.

## Шукроналик ҳисси билан яшайлик!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу ҳужжат, тўғрисини айтганда, оиласдаги зўравонлик каби  
шармандали хатти-ҳарқатларининг илдизини ўйқ қилишга қар-  
тилган. Аёллар ва болаларга нисбатан ҳар қандай зўравонлик  
содир этганларга нисбатан жазо кучайтирилди. Бундан ташки,  
ёш болани ўлдирган ёки зўрлаганлар умрбод қамоқ жазосига ҳукм  
қилинди. Воягъетмаганларни таҳқирилган ва мазор қилганлар  
энди маъмурӣ жавобгарликка тортилади. Ушбу тараба биринчи  
марта конунг равиша тасдиқланди. “Келешек” ягона ихтиёрий  
жамғарма тизимининг қонунчилик базасини яратиш бўйича катта  
ишлар амалга оширилди. У ерда йигилган пулни Қозоғистон ва  
хориждаги коллеж ва университетларда ўқиш, ўй-жой сотиги олиш  
учун ишлатиш мумкин. Фуқароларнинг кредит олиб, қарздор бў-  
либ қолишининг олдини олишга қаратилган қонун қабул қилинди.  
Шунга кўра, 90 кундан ортиқ муддатдан бўён қарзини тўлай олма-  
ган фуқароларга нотижорат кредитларини бериши тақиқланди. Тиб-  
биёт ходимларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилди,  
уларга бераилаётган ижтимоий кафолатлар такомиллаштирилди,

Фаровон юртимизда тинчлик-омонлик, хотирхамлик ҳукм су-  
раётгани билан неъмат бўлиб, юртимиз тинчлигининг қадрига ети-  
шимиз учун дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ибрат назари  
билан бўқомғомиззар зарур. Ана шулардан хулоса чиқариб, турли  
низолар, ҳар тинч шумонмочиликлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин  
каби оғратлар рўй бермаслигин Яратгандан тиламогимиз керак.

Бугунги таҳликали дунёда куролли тўқнашувлар, экологик  
муаммолар, диний низолар инсоният ҳаётига таҳдид согил ту-  
риди. Жаҳон молиявий-иқтисидор инкизори зилимни олди  
халқларни ташвиши солмокда. Дунёнинг турли жойлариди  
қимларидир очарчиликдан азият чекаяти. XXI асрда келиб энг тез  
дунёвийлик каоб этиб бораётган муаммо – жаҳонда озиқ-овқат ва  
қишилк ҳўжалиги маҳсулотлари танқисигини тобора кучайиб  
бораётганини, нарҳ-наводаги номутаносибликлар ривожланган  
ва ривожланаётган мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.  
Энди ўйлаб кўринг: шундай мураккаб бир шароитда юртимизда  
тўқинчилик. Бу нимадан? Аввало, Аллоҳнинг бизга марҳамати ва  
Президентимиз раҳманолидига амалга оширилётган оқилона ис-  
лоҳотлар самараси бу. Буларни мана шу меҳнаткаш ҳалқ яратган  
ва яратмада. Бу гапларда муболага ўйқ. Агар заррача шубҳаниз  
бўлса, бозорга борин, ўз қўзингиз билан кўриб янга бир бор кўнг-  
лингизда шукроналик туйгусини туясан.

Дунёнг өвқаларини синчилклаб кузатайлик, турли можаролар,  
низолар, келишмочиликлар, қончилик тўқнашувлар, муаммолар ил-  
дизига назар солайлик. Бу юртимизда яшаётган, ўзини шу Ватанга  
дахлор деб билган ҳар бир инсон қалбida шукроналик туйгусин  
ийғотиши, озод ва обод юртимизда мухаббат ҳиссени янада мус-  
таҳкамлаш мукаррар.

Утган бир йилга назар ташлайлик. Шу бир йил ичидан юртимизда  
қанчадан қанча ўзгаришлар рўй берди. Қанчадан қанча таъ-  
лим-тарбия мусассалари, шифо маскенлари, турар-жой бинолари  
фойдаланишига топширилди. Ҳалқ ҳўжалигининг турли тармоқ-  
ларида кенг қармови итуяларни таҳқирилди. Мамлакатимизда  
иқтисидор ўйиш суръатлари сақланиб қолмоқда.

Дарҳақиқат, бундай тараққиёт замирида, шукроналик, ҳаётдан  
мамнунлик ётса, буларнинг ўзагидаги тинчлик сингари олий неъмат-  
лар қор топди. Демак, тинчлик бор экан, кўнглимиз хотиржам-  
барни эрталаб эмбин-эркин ишга, ўқишига отланамиз. Тинчлик  
баркарор экан, юртимизнинг турли худудларида ободончилик, бу-  
нёдкорлик ишлари бардаворада бўлаверади.

Жоғонқон Ватанинда, хусусан, юртимизнинг ҳар бир гўшаси  
да олиб бораётган ободончилик, улкан бунёдкорлик ишларига  
хавас ва ифтихор билан қарайлик. Ушбу ишлар замирида тар-  
дошларимизнинг фидокорона меҳнатлари ётибди. Барчамиз юрт-  
равиши ўйлидаги ишларни қўлиниданд қелганича ўз ҳиссамизни  
қўшайлик. Шукроналик ва ёртанги кунга ишонч ҳаётимизнинг шио-  
рига айлансан.

**А. АБДУФАТТОХ.**

## БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК – ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Халқимиз бирлиги ва ҳамжи-<br





>>> Хидоят сари

## АССАЛОМ, МОҲИ РАМАЗОН!



Муборак Рамазон ойларнинг ичидаги фазилатга бой, минг ойдан афзал Қадр туни, Қуръон оятлари нозил бўла бошлаган, мўмин-мусулмонларга мукофотлари чексиз ойдир. Рамазон ойининг биринчи ўн кунлиги раҳмат, кейинги магфират, учинчи ўн кунлиги дўзахдан озод этадиган кунлардир (Ином Бухорий).

Пайғамбаримиз (с.а.в.) Рамазон ойи ҳақида шундай деган: Рамазон келганда жаннатнинг ҳамма эшиклари очилиб, дўзах эшиклари ёлилади. Муборак ҳадисларда Пайғамбаримиз (с.а.в.) Рамазон ойида умматларига бешта фазилат ҳақида алоҳида таъкидлайди.

1. Рўза тутган одамнинг оғзидағи иси мушк анбардан ҳам афзал ҳиддир.

2. Фаришталар саҳарликдан ифторликгача рўздор намозхоннинг гуноҳларини кечиришини тилайди.

3. Аллоҳ Таоло жаннатни безайди. Менинг тақвадор умматларим дунё машақатларидан куттилиб келади, дейди.

4. Шайтонлар кишинланади.

5. Рамазон ойининг охирги туни рўза тутганларнинг гуноҳлари афв этилади.

Ким Рамазон рўзасини иймон, сабоб наса-би билан тутса, аввали гуноҳлари магфират қилинади.


Аллоҳ Таоло уни РАЙОН эшиги орқали жаннатга киритади.

Бир ривоятда: "Одам боласининг ҳамма амали (сабоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшилика унинг ўн мислидан то етти юз ба-బарбагча Аллоҳ, азза ва жала "Магар рўза мен учундир. Унинг мукофотини мен берурман" (Islam.uz), динидаги.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтади: "Рамазон ойида шароитнинг ҳамма талабига мувофиқ рўза тутган, тавба қўлган гуноҳларига самимий ўқинч билдирган, ихлос кўйган бандажа жону тани билан Аллоҳ Таолонинг марҳаматига сазовор бўлади".

Хўрматли бирордарлар! Рамазон ойи элимизга кут-барака, яхшилик олиб келсин. Рўза тутиб, сабобларга эга соҳиби бўлайлик. Рўза тутиш барчамизга насиб этиб, шу йўлда Аллоҳ Таоло куч-кувват ато этсин. Рамазон ойи кутлуг бўлсан!

**Жумадулла АБЕНОВ,**  
«Миср» масжиди имоми.  
Чипон қишлоғи,  
Саврон тумани.



## РЎЗАНОМА

2025 ЙИЛГИ РЎЗА  
ТУТИШ ТАҚВИМИ  
(Шимкент вакти билан).

Рамазон ойининг кунлари	Март ойи	Ҳафта кунлари	Саҳарлик вақти	Ифторлик вақти
1	1 марта	Шанба	05:40	18:14
2	2 марта	Якшанба	05:39	18:16
3	3 марта	Душанба	05:37	18:17
4	4 марта	Сешанба	05:35	18:18
5	5 марта	Чоршанба	05:34	18:19
6	6 марта	Пайшанба	05:32	18:20
7	<b>7 марта</b>	<b>Жума</b>	<b>05:30</b>	<b>18:22</b>
8	8 марта	Шанба	05:29	18:23
9	9 марта	Якшанба	05:27	18:24
10	10 марта	Душанба	05:25	18:25
11	11 марта	Сешанба	05:24	18:26
12	12 марта	Чоршанба	05:22	18:27
13	13 марта	Пайшанба	05:20	18:29
14	<b>14 марта</b>	<b>Жума</b>	<b>05:18</b>	<b>18:30</b>
15	15 марта	Шанба	05:17	18:31
16	16 марта	Якшанба	05:15	18:32
17	17 марта	Душанба	05:13	18:33
18	18 марта	Сешанба	05:11	18:34
19	19 марта	Чоршанба	05:09	18:36
20	20 марта	Пайшанба	05:08	18:37
21	<b>21 марта</b>	<b>Жума</b>	<b>05:06</b>	<b>18:38</b>
22	22 марта	Шанба	05:04	18:39
23	23 марта	Якшанба	05:02	18:40
24	24 марта	Душанба	05:00	18:41
25	25 марта	Сешанба	04:58	18:42
26	<b>26 марта</b>	<b>Чоршанба</b>	<b>04:56</b>	<b>18:44</b>
Мұқаддас Лайлутул-Қадр кечасида Қуръони Каримнинг илк оятлари нозил қилинган. Дуо, тилаклар қабул бўладиган тун.				
27	27 марта	Пайшанба	04:55	18:45
28	<b>28 марта</b>	<b>Жума</b>	<b>04:53</b>	<b>18:46</b>
29	29 марта	Шанба	04:51	18:47

### САҲАРЛИК (ОҒИЗ ЁПИШ) ДУОСИ:

Навайту асумса совма шаҳри ғарожи илал магриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар!

Маъноси: Рамазон ойининг субҳдан то кун ботгунча тутмоқни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳ буюқдир.

Фитр садақаси 655 тенге этиб белгиланди.

### ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ:

Аллоҳумма лака сүмту ва бика аманту ва альайка тавакклату ва алья ризқика афтарту, фагfirli яи гофтару ма қоддамту ва ма ахорту.

Маъноси: Эй Аллоҳ, ушбу Рўзанни Сен учун тутмидим ва Сенга иймон келтирдим ва Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилгувчи Зот, менинг аввали гуноҳларимни магфират қилгиси.

muftyat.kz

>>> Миртемир таваллудига 115 йил

## ШЕЪРНИНГ "ТАНТИ ДЕҲҚОН"И

2010 йил баҳор ойида Эски Иқон қишлоғининг маданият саройида ҳамқишлоғимиз, Ўзбекистон халқ шоюри Миртемир Турсуновнинг 100 йиллиги ҳалқаро миқёсда кенг нишонланди.

Турни мамлакатлардан тадбигра келган шоир ва ёзувчilar шоирнинг ҳаёти ва икоди ҳамда ўтган асрнинг 30-ийларидаги қатагон нафаси ва қон ҳиди анқиб турган даврдаги адабинг бошидан ўтган кечинималарини эътироф этишиди, унинг хотириасига багишлаб, шеърлар ўқишиди. Мактабларда шоирга багишланган семинарлар уюштирилди. Тадбир сунгига марҳум хотириасига дастурхон ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Шоир тугилиб-ўсган бу қишлоқ бутун тирик манзаралари ю, дардли овози билан Миртемир шеъриятининг харитасига айланниб қолди:

*Кишлоғим нечоғлиқ сулувесан бугун, Яшила бурканниб яшнабсан шунча.*

*Нечоғлиқ тўқиссан, нечоғлиқ тўқин, Мени ўраб олди хаёл, тушунча:*

*Қай қўрага кирсанг – эшиги очиқ, Бир нима татишисан, қўймас асло оч.*

*Қоракумғон қайнар, ёзилур чочик, Зогорами, сўклими, ёвғон ё умоч.*

*Борини аямас, барини куяр, Юпқами – ё гўка, талқон, кўтгромоч.*

*Курутму ё жиҳада – ўргата уяр, Жуда бўлмагандага қатиғу кўмоч.*

Миртемир шеърни жуда эрта бошиган, 17 ёшидаёт "Шульалар қўйнида" илк шеър тўплами нашрдан чиқди. Бу ўзбек шеъриятидаги янгилик – сочма жанрида (насрый шеър) учун янги сочма жандра ёзилган тўплам эди.

Миртемир домла шеърнинг танти деҳқони эди. Нима қилган бўлса, ана шу шеърларида ҳақиқий деҳқонга хос ҳалолликни, деҳқонга хос меҳнатни, яратувчанликни кўрамиз...

У шеърни шунчалик эъзозлаганки, қаранг, ҳатто Кәбага мензагат:

*Каъбамсан шеърият, эзгу эҳромим, Оғу ҳам бол тўлиқ бебаҳо жомим.*

*Амалим ва ишқим, умиду армон, Ўйқусиз тунларим – жиндан илҳомим...*

У ўз устида тинмай ишлар, қоғозда ёзилган шеърдан кўра, йиритиб ташлагани төғдек ўлиб кетади.

Эски Иқон қишлоғидаги янгидан очилган "Мектеп Жана Қиён" номли мактаб кутубхонасида шоирнинг 115 йиллигига багишланган тадбир бўлиб ўтди. Миртемир номли адабиёт музейи ходими Элбек Турсунов шоирнинг қатагон 30-ийларидаги "Тарихимсан, тақдиримсан, келлахагимсан – она тилим" мавzuуда ўзбек тили ва адабиёти ҳафталиги юксак савида ўтди. У қизиқарли ва мазмунли тадбирларга бой бўлди. Тадбирнинг очилиш маросимида мактаб устозлари, ўқувчilar ва мемонлар иштирок этишиди.

Табиатан камтар, мулойим ва нозиктаб шоирдан тез шеър ёзиб беришин сўраши, рангий қоларди, ёзганларни олиб, таҳририятма-таҳририят юргумасди ҳам. Мабодо, газетага бериб қўйган бўлса, эринмай 3-4 марта келиб ҳам тузатишга тайёр эди. Яна фурсат бўлганида, жинек ишларнадиган ўринлари бор экан-да, – дерди, кўнгли тўлмайди.

Ҳар бир шоирнинг шеърлари ўзига ўхшайди дейилади. Туркестон даштларida vog'я етган шоирнинг тасвириларидаги кенг далалар унинг феълидаги кенгликларга жуда ўхшаш. Бундай шеъриятни ўрганиб ҳам, ўзлаштириб ҳам, бўлмайди. Шу боис, Миртемирнинг давомчиси ҳам, тақлидиси ҳам бўлмади. Унинг содда қоғия услуги ўз даврида ҳам, хозир ҳам ягона бўлиб қолди.

**Ойсултон АБДУҚОДИРОВА,**  
Эски Иқон қишлоғидаги "Мектеп Жана Қиён" умумталим мактаби кутубхоначиси.

**Тасвирида:** Миртемир Турсунов хотириасига багишланган тадбирда.

## МИЛЛИЙ МЕРОСГА ЭҲТИРОМ

Ўзбек тили ва адабиёти ҳафталиги – ёш авлоднинг она тилига муҳаббатини кучайтириши, буюк алломаларимизнинг меросини ўрганиш ва миллий гурунга оширишига қаратилган маънавий-маърифий тадбирdir.

Кентов шаҳридан тажрибали раҳбар Мансур Акешов раҳбарлик қилаётган ў. Жанибеков номидаги мактаб-гимназиясида "Тарихимсан, тақдиримсан, келлахагимсан – она тилим" мавzuуда ўзбек тилини ва адабиёти ҳафталиги юксак савида ўтди. У қизиқарли ва мазмунли тадбирларга бой бўлди. Тадбирнинг очилиш маросимида мактаб имконияти тадбирлардан лавҳалар аксини топди.



Ҳафта давомида турфа тадбир ўтказилди, ўқувчilar шоирнинг 30-ийларидаги қатагон нафаси ва қон ҳиди анқиб турган даврдаги адабинг бошидан ўтган кечинималарини ўтирилди. Унда ижодкор устозлар ва ўқувчilar мактабимиздаги тадбирлардан лавҳалар аксини топди.

Ҳафталик поёнида Қозғистон халқи Ассамбл

## &gt;&gt;&gt; Буюк Дастанинг улуф алломалари

(Давоми.  
Боши ўтган сонларда).

ОНА ЮРТ ШАМОЛЛАРИ  
28-фасл

Кул Ҳожа Аҳмад, сўзлағани ҳақни ёди,  
Эшитмаган дўстларига қолсан панди,  
Гурбатланаб, ўз шахрига қайта ёнди,  
Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

Аҳмад ЯССАВИЙ.

Шайх карвони Қоракумнинг қаҳратонида кирқ кундан мўлроқ йўл босиб, ниҳоят, Сайхун бўйларига этиб келди. Кемачилар маҳсус солни жиҳозлаб, пири муршидини соҳилда кутиб туришарди. Ҳазрат «Бисмил!» деб согла кадам кўйди.

Дарп осуда жимирлайди. Шайх олмадек-олмадек оппоқ пузакчалар хосил қилиб, бир текис оқиб бораётган сувга термилиб қолди. «Насли башар умри ҳам мисли мана шул сув эрмис. Оқар сувдек сўнгги манзилига интилармиш. Биз ҳам манзилга ёвуқлашдик. Дағи бир манзил, андин кейин...»

Ҳазратнинг икки қабатида икки дил маҳрами – Сулеймон билан Бобо Мочин ненидир шивирлашиб сўзлашадилар. Сол дарёнинг ўртасига етганда, Шайх ўнг тарафига ўғирилди.

– Бобоқул, сувдан олинг, – деди.

Бобо Мочин чиб турди.

Илгакдан қовга олиб, дарёга энгашди. Ёғоч пакирни сувга тўйдириб, Шайхга тутди. Шайх қовгадан бир қўлтум иди, сўнг уч карра юзини ювди. «Шукрилло!» деба қовғани Бобокулга қайтарди. Бултур, субҳисодиқда масжид томидиа ўтириди, беҳишт дарё Сайхун ила видолашгани ёдига тушди. Ҳак таолонинг шарофати ила тагин ота юрт шамолларига юз тутиб тургани учун Яратганга сано айтди. Ҳаёли Ислифжоби кўчди. Ёлгиз ўғли Иброҳимни, Рукия бинини, қизларини ўйлади. Хотирини Сулеймон билан Бобо Мочиннинг гурунни будди.

Бобоқул қовгадаги сувни дарёга тўкмади. «Табаррук», дега бошига кўтарили. Нафас олмай буштади. Оҳ торти, лекин сайха тортгани Шайхдан андиша қилди. Сулеймон путф узатди:

– Оташ ўчдиму, мулла Бобоқул?

– Ўчди, – деди Бобо Мочин тамшаниб, – Сайхун суви тотлиқ да, оға! Етказганига шукр!

«Сайхун» Сулеймоннинг кўксиди «Жайхун» бўлиб акс садо берди. У пири муршидинг ваъдасини эслади:

«Хона муборакдикн қайтач, сизнингда мушкулингизни ёнчамиз, Сулеймонкун. Ичи сидирли. Жайхун сари қайтар кунлар яқинлаб қолганини ўйлаб, юраги ҳаракида. Сол нариги қирғоқка бориб тўхтади. Соҳилда Шайхни юз ногли издиҳом пешвуз кутиб турарди. Оломон бошида Соброн хокими Самариддин Қовчин. Қабатида Собронинг уламою умаролари. Шайх Бобоқул кўмагидаги солдан тушди. Оломон гувранди. «Пирим! Туқкан юртингизда хуш кўрдик! Қадамларига ҳасанот!» деган опқишилар янгради. Самариддин илдам келиб, пирнинг этагини тутди, кўзлашга суртди:

– Пирим! Қошу кўзимизнинг устига хуш келибсиз! Сизни интизорлик илиа кутдик. Қадамларига муборак, ал-муборак!

Унинг жонсараги оғарнига жавобан Шайх бош сиплигүй қолди. Самариддин пирнинг тирсагидан тутди.

– Шайхим, сиз валиненъматимизга атаб хос жой ҳозирлаб қўйиб эрдик. Марҳаматнингиздин умидворимиз. Суҳбатларингизни сөғиниди, пирим...

Ҳазрат чимирлиди. У кўп йиллар муқаддам Собронда улкан хонақоҳ бунёд эттирган. Даشت Қипчоқнинг тўрт гўшасидан келувчи тариқат аҳли учун бу хонақоҳ бир кўнгалига, мискин-мусофириларга бошпанна эди. Собронга етса, ушбу ибодатхонасида бир неча кун истиқомат қилишини кўнглига тутиб қўйган эди.

Сулеймон ҳокимнинг ёнини олган бўлди:

– Қиблагоҳ, хонақоҳ қаровсиз бир аҳволда эрмис. Ҳужралари заҳ эрлан. Аёзлаб қолишдан ўзи асрасин.

Шайх Самариддиннинг илтиҳодан бўйғриқиб кетган бетига разм солди. Ҳали қирқка ҳам кирмаган бу йигит Султон Санжарнинг туғишиларидан эди. Қадди расо, кўзларни тайрак, довқур бу ҳокимнинг нимасидир. Шайхга хуш келади. Инсофими, фаросатими ёхуд ҳол илмини қол илмидан кам кўрмаслигими... Ҳар нечук, Самариддин то ҳануз Шайх ул-машийхдан аччиқ-тазиқ гап эшитмаган. Унинг ҳечрасида гўдакларда бўладиган бир илниклик, мъсумлик барқ уриб турарди. Шайх олис йўлда обдан толиқкан, вужуди истироҳат истарди. Ҳокимга қараф муртидан илжайди:

– Сазангиз синмасин, йўл бошланг!

Самариддин билади, Шайх ҳукамою умаро дастурхони ёқтиримайди. Шу боис, у, бизнинг илтимос ҳам ерда қолар, деб кўрқкан эди. Пирни комиллинг рўйхушлигини эшитиб, етимиш томирни эриб кетди.

– Миннатдормиз, Ҳазратим! Илоё, зоҳидларнинг Каъбаси бўлиб...

Шайх ҳараса, ҳоким мадҳу санони кўпиртирадиган.

Унинг гапини кесди:

– От келтиринг, ўғлим.

Дарҳол Шайх олдига юмшоқ эгар-жабдук урилган саман ўйргани кўндаланг қўйдилар. Бобоқул «Бисмил!» деб пирнинг кўлтиғидан олди. Шайх ила ҳоким, ортларидан Ҳазратнинг хос маҳрамлари, муридлар Соброн уламолари қасаба сари йўртдилар.

Самариддин пирни муршидга атаб ўн икки қанотли оқ ўтов тикирган эди. Ўтов атрофидаги ўнлаб одам кўймалар, дошқонлар вакирилаб қайнар, бир газлик кумуш кумонлардан кўнка окиш тутун ўрмалар, барча-барча авлиёлар сарварининг қадамларига интиқ эди.

Шайх ул-машийхнинг ҳашт-ҳашамини ёқтиримаслигини Самариддин яхши биларди. Шул важдан у ўтовни ортиқча безаттиримади. Тилла-кумуш буюмлар шойи-ипак жихозлардан холи қилид. Ерга одими туркман гиламлари ёзилган, ўртада, дошқондек манқандоқ саксовул чўги пориллаб турибди. Ичкари исисик, файзли, чор атрофдан мушки анбар билан раҳони сис анкайди. Султон ул-орифин йўл бошлаб ичкари ўти. Ортидан ҳоким Самариддин, Сулеймон, Бобоқул, Кутбиддин, Соброн уламою оқсоқоллари ўтовга қадам ранжида қилидилар.

Шайх тўрга ўтиб, адреса кўрпачага чордана курди. Ҳоким даст ўрнидан туриб, куллук қилид.

– Иншооплоҳ, пирим, қудсий нафасларидан баҳраланд бўлдик, ўзига шукр!

Соброн уламолари Самариддиннинг сўзларини илиб кетишиди:

– Шариат бирла тариқатнинг ҳодийсини хуш кўрдик, шайхим!

– Жамики муслимот муқтадосидан айрилиб, сағир бў-

Саъдулла СИЁЕВ

# Аҳмад Яссавий

Роман



либ эрди, Аллоҳим юзимизни ёруғ қилди.

– Султонимининг амри маъруфларини соғиник, жон кулогимиз анга муштоқидир...

Шайх бул тақалуфларнинг қайси бири чин, қайси бири риё эканлигини сезиб ўтириади. Мехмонларнинг иззати учун оҳиста боши қимрлатиб қўйди.

– Мадҳу саноимиз қозиоҳ жоҳатга бўлспин. Ваалайкум ассалом ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳу!

Шу билан «Хуш кўрдик» тамом бўлиб, дастурхонга ноз-неъматлар тортила бошланди. Баковуллар катта баркашларда қийик гўшти, каклик димламаси, ўрик шарбати, бухорий қандолатлар, қимис, кимронни узлускин кептириб туришибди. Ҳазрат ўрик шарбатидан икки култум хўллади, сутли патирдан бир тишлам еди. Гўшта кўл урмади. У азалдан камтомук эди. Ўтов атрофидаги жунжикаб ўтириган мурдиларнинг товуши эшилиб турарди. Улар гёй ноёб ҳазинани қўриқлаётган соқицлардек ўтвони қуршаб олишган, пири муршидин тагин бир карра кўриш умидидар.

Шайх Самариддинга боқиб, ўтов сиртига ишора қилди:

– Айтинг, аларга-да улуш берсингилар.

Ҳоким эшиқда амр кутиб турган баковулбошига им қоқди:

– Ахли жамоага томоқ беринг. Мўл-мўл беринг!

Баковулбоши орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Мехмондорчилик поёнига етди. Шайхнинг йўлдошлари аср намозини адо этгани ёндош ўтвога йўл олдилар.

Ибодат тугади. Мехмонлар тарқалди. Намозоҳда Шайх ила Самариддин яккам-якка қолдилар. Пирнинг ҳокимга айтар сўзи бор эди. Буни Самариддин фахмалаб ўтирар, шу боис мударрис олдидаги толиби илмдек ердан кўз узмай сукут сақларди. Тўрт йилдирки, у Соброн музофотига волийлиқ қўлади. Музофот аҳжабтуро кенг худуд эди. Бу ёти Тўрткўл мавзеси, Қоратоғ ортидаги дашту биёбон. Бу ёти Жанкент ва Ҳазор бўйидаги Фаззола атамлини ерлар ана шу Самариддин иктиёрида. Қорачик, Ийқон, Қарнок, Сигнок сингари кентлардаги мева-чевга унса, белопён яйловлар чорвачилик макони эди. Ҳуллас, Соброн музофотидагарлар йўқчилик жағосини тортмасалар бўларди. Аммо қорни тўқдан кўра нони ўйўк халқ зиёда эди. Буни Самариддин ҳам билар, ўзича чора излаб тополмасди. У Султон Санжар тагоғисига ўхшаган кўнгилгача бир љигит эди. Биронинн нонини түя килиб юрган муттаҳамни жазолаш ўнгига... унга панд-насиҳат килишини афзал, деб биларди. Насиҳат, танбех ила ўғри ўлса ҳам тўғри бўлмаслигини англамас, англасса-да, кечираш эди. Шайх ҳокимнинг бу кусурини сезарди. Вале бу тавозели љигитнинг дастурхонидан оёқ ўзмай турб, унга қаттиқ-қуруқ гапиришни истамадиди:

– Раиятнинг ахволи нечук? – деб сўради.

Самариддин Шайхдан айнан шу савонли кутиб ўтириб эди. Ҳавобини ҳам ҳозирлаб қўйган. Шундек бўлса-да, у бир нафас жом қолди. Уҳ тортиб тилга кирди:

– Биз раиятнинг қурсогини тўйдириш фамидамиз. Саъда-харака қилаётимиз, пирим.

– Оч одамнинг қурсогини тўйдириш учун тўқ одамларнинг нағсими тийш даркор. Ўтиң чопганини, нон ёғанни бўлгани маъқул. Ҳоким ҳалқнинг отаси. Бас, фарзандлари нон, деб йиглаб турса, отанинг кўзига ўйқу келгайми? Эл-улусдин эшидик, олиқ-солик ҳаддан зиёда бўлибди. Таноб пуги, тегирмон пули, ўлпон, аскар пули, закот, тахти жой пули, яксара, кўшпули, жон солиги, ушр, фитр... Саноқа иккала панҷанғизнинг бармоқлари етмайдир. Бу не бедодлик!

Самариддин «Пирим!» деб оғиз очган эди, Шайх унинг лафзини кесиб, давом этди:

– Закот тўлаган кишидан ушр ҳам талаб этмоқ инсофандими, ўғлим? Жон солиги нимаси? Жонни худо таоло берган, шуқрона чиғитларни тимаси? Бечора, нотавоннинг қора қозони қайнамасини, йил ўн икки ой зогора нон кавшаб ўтиришини?

– Пирим...

– Яксарани бекор қилмоқ даркор. Навзамилло! Уйидда мол боқиб, гўдакларининг оғзини оқартирган ўй эгаси гуноҳкор эмиш! Томорқасида тўрт ўжут ёғочириб, меваини тотган бобгонга таноб пули етмагандай кўшпули ҳам солинибди. Мол боқиб, сутини ичмаса, ҳовлисига икки жўйи сабзи-пийз эколмаса, у қандоқ дехжону қандоқ боғон бўлди?

Самариддин, «Кошни иктиёри бўлса эди, пирим», дея ўзини оқламоқни эди, Шайх товушини бир парда пасайтириб маслаҳат берди:

– Самариддинга, Султон Маҳмудхонга нома битинг. Яксарани бекор қилсан, экин экиладурғон томорқадан кўшпули олинимасин. Қанча хирож бўлса, мол-дунёси ошиб-тошиб ётганилар тўласин. Йўқ-юқа ҳалқнинг насибасига чанг солинин, Шайхимизнинг иродаси шул, дэнг. Үқдингизми, ўғлим...

Самарид



»» Обуначиларимиз орасида

## Адвокатура соҳасида - 46 йил

### ЁХУД "ХАЛҚ ЭҲТИРОМИ" ОРДЕНИ МУБОРАК!

1 марта – Туркистон шаҳар ЎЭМБ қошидаги хотин-қизлар кенгашига кўп йиллар самарали раҳбарлик қиглан тажрибали хукукшунос-адвокат Маҳбуба Айметованинг таваллуд куни. Шу муносабат билан Туркистон шаҳар ЎЭМБ раиси Райимжон Қўчкоров жамоати ишлари билан биргаликда хукукшунослик соҳасида узлуксиз меҳнатлари билан танилиб келаётган Маҳбуба Иброҳим қизига табрикнома ва саволарини тақдим этди.

ҚР "Дўстлик" ҳамжамиятининг табрикномасини Савронумни, Қорачик қышлоги ЎЭМБ раиси Мирзахон Адҳамов тақдим этди. Қышлок фаолларидан Клара Ирискүл қизиг юбилиярга "Халқ эҳтироми" орденини танланали вазиятида топшириди.

Маҳбуба Иброҳим қизи 1955



йил кирк қопқали Қорачик қышлогида дехон оиласида дунёга келган. "Победа" умумталим мактабини, сўнг, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат универсitetining хукукшунослик

факультетини тамомлади. Қозогистон адвокатлар уюшмаси, вилоят, шаҳар ҳокимийларининг Фаҳрий ёрлиқ, "Ташаккорнома"лари билан тақдирланган. Умр йўлдоши Шомурод Айме-



тов билан қобил фарзандлар Бобир, Азизларни тарбиялаб, неваралар кўрган баҳти оила соҳибаси. Фарзандлари ҳам хукукшунослик соҳасида меҳнат килишади.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**  
Муаллиф суратга олган.

**P.S.** Таҳририят фаол обуначимиз Маҳбуба Айметованинг 70 йиллик юбилеи муносабати билан муборакбод этиб, мустахкам саломатлик, саодатга зафарлар тилайди.

»» Ибратли оиласалар



## ОИЛА ҚЎРГОНИ САРИ

### ОТАНИНГ ОИЛАДА ТУТГАН ЎРНИНИ БАҲОЛАШДАГИ БОШ МЕЗОН НИМАДА?

билин шуғулланиши кераклигини қозогза ёзиб ташлаб кетардим. Рўйхатда ким нима билан банд бўлишини аниқ кўрсатардим. Кечкурун, албатта, бирма-бир текшириб, тайёд ишларни қабул қилиб олардим. Болалар тарбиясига бакир-чакирсиз, жазолаш турларисиз, ўта вазменилик ва масъулият билан, факат қасбий мураббийга хос муносабатда ёндашганман. Уларнинг билим ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имконият ва шароит яратиб берганман. Кўчадаги ишларимиздан ташкири, оиласиз билан томорқада ишлаш, мол боқиш билан шуғулланадир. Илгари ҳамманинг ҳаёти деярли шундай эди. Кейин... Одам меҳнат ва интизомга ўргансагина, натижага эришади.

Яна Гулчехра опага юзландим, – ўзингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз...



моқдалар. Масалан, Жавлон ва Дониёрлар бугунги кунда таникли спорт усталари. Ҳа, Жавлон Шавкатов паузерлифтинг бўйича 4 карра жаҳон чемпиони. Талабалик пайтидаёт танилини. Қозогистоннинг "Энг яхши талабаси" номинациясида бир неча бор сазовор бўлган. Дониёр уч карра жаҳон чемпиони (мутлак). Оталари Қаҳрамон мураббийлик фаолиятини муввафқияти юритмоқда. Қозогистон терма жамоасига мураббийлик қилиб, паузерлифтингдан қанча медаллар кўлга киритилишига хисса қўшиди, қанча жаҳон чемпионларини (20 нафар) тайёрлади. Шунингдек, маҳаллий ўғил-қизлардан таркиб топган шоғирдларни тарбиялаш учун "Спорт клуб "Каратөбе" хусусий мактабини очди. Мақсади – Қозогистон спортини юксак поғонага кўтариши.

Дарвоқе, бу оиласда набиралар ҳам иктидорли – спортор, хисоб-китоб, бизнес, тиббиётга қизиқсанлари эса шу соҳаларда жавлон урмодка. Мухими – оиласда ўзбекона на урф-одат, анъана, каттага ҳурмат, кичика изват тайомилии мужассам. Содиковлар оиласининг муввафқияти, аввало, оила соҳибларининг айтишича, ўзаро ҳурмат, бир-бигира муносаб мумалада. Эр-хотин, келин-қайнона, ота-бала муносабатлари ниҳоятда яхши шаклланган. Яна – ҳамма, катта-ю кичик иш билан банд. Танбаллик ёки бекорчилик, ўйқ. Бола-чака соглум ва бақувват, улкан ишларга кодир. Қўзлаган мэрраларига эришини ўйлади. Бунда, њеч шубҳасиз, жисмоний тарбия ва спортнинг ахамияти бекиёс.

Бугунги кунда жамиятда оталар тарбияси сустлашиб, деган фикрлар кўп айтилмоқда. Шаҳримизда жойлашган ва шак-шубҳасиз, энг машҳур ўқув-спорт даргоҳларидан бирни хисобланган олимпиа заҳираларини тайёрлайдиган болалар-ўсмиллар спорт мактабининг шонли устоз-мураббийлининг талабчанилиги, вақтни самарали ташкил эта олиш қобилияти, мавжуд икмонациялардан унумли фойдалана олиши мукаммал оила яратиб, унда фақат голиб ва сориңдорлар сафини кенгайтираётгани таҳсина лойик, албатта. Жамиятимизда шундай оиласалар кўпаяверсин! Шундай "чемпионларнинг" оталари барака топсин!

Н. МАВЛОНОВА.



Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.

Мулҳи эгаси – "Жанубий Қозогистон" вилоят ижтимоий-сийесий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган бирорадарлиги.

Газета №2020 йил 21 апрелр узбек тилини, К234VPYU0022503 гучончага берилган.

"ERNUR-print" МЧБ босмаконасида чоп этиди.

Шиккет шахри, Т. Алимгулов ёънси.

Буюртма:

487.

Нашр кўрсатчи – 6546.

Адади – 11600 нусха.

Навбатчи мухаррир: Нариза Мавлонова.

## Чоҳбайт

"ОЛАМ АХЛИ, БИЛИНГИЗКИМ,  
ИШ ЭМАС ДУШМАНЛИГИ,  
ЁР ЎЛУНГ БИР-БИРИНГИЗГАКИМ,  
ЭРУР ЁРЛИГ ИШ".  
Алишер НАВОИЙ.

(Мазмуни: "дунёдаги кишилар, бир-бирларинизга душман бўлманиз. Бу иш эмас, ҳамманиз бир-бирларинизга ёру дўст бўлингизик, ҳақиқатда иш шулдир").

### Маъриф маврифати

"Ҳар бир кун сенинг учун охирги бўлиши мумкин, шуни эсингда тутиш".

**ГОРАЦИЙ, қадимги Рим шоури.**

"Камттарлик – атрофдагиларнинг жигига тегмайдиган магурлар турни".

**Жюль РЕНАР, француз ёзувчиси.**



"Менинг катта хавотирим нимадан? Миллий ўзлук ва миллий маданият "Бозор – ҳаёт тарзи", деган хасталика ча-лининг бўлди. Давлат телевидениела-римизни ҳатто ёғизиз кўришга ҳам уяламиш, болаларни кўнгурни! Кўчадаги китобларни варақлаб бўлмайди, газета ва журнallарни кўяверинг, нуқути ваҳшийлик ва фахш гумроҳликка чорловлар... Энг даҳҳатлиси, видебобоскин ўй-жойизини ҳам, юз-кўзимизни ҳам забт этиб бўлди. Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг бой маънавиятини сақлаб қолиш учун тезор чора-тадбир кўрмасалар, оқибат аянчи бўлади..."

Чинаиз АЙТМАТОВ, Халқаро Навоий номидаги мукофот соҳиби.

### ҲАСАН АЛ-БАСРИЙ (РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙХ) ҲИҚМАТЛАРИ

• "Хусни хулб бу – яхшилик улашмок, ёмонликдан тийип-моқ ва очиқ юзли бўлмоқдур!"

• "Аллоҳа қасамки, Қуръонисиз бойлик ўй! Қуръонга эга бўлгач, қашоқлик ўй!"

• "Агар илму маърифатнинг расм бўлганинда у кўёшдан, ойдан, осмону юлдузлардан-да, гўзалпроқ бўларди".

• "Эй Одам фарзанди! Дунёдан олган насибан сени аслпо муҳтожлиқдан чиқара олмас, балки сен охиратдан оладиган насибанга муҳтожроқсан".

• "Одам боласига ҳайрон-ман...бошида иккى қўриқчиси бор. Унинг тили у иккисининг қалами, сўлағи эса сиёҳидир. Шундай бўлишига қарамасдан у бефойда сўзлар билан банд..."

### Азиз Ҳесин ҳиқматлари

(Турк адиби)

• Ҳарбий соҳаларга сарфлансан пул дунёдаги очик муаммосининг татомон ҳал қўлиниши учун лозим бўлган пулдан юз бараев кўп.

• Данзасаларнинг иш куни "эртага"dir.

• Тор жойдан чиқканлар кенг жойларга сигулатиди.

• Орзумий бир бо-лакайга қанчалик яхши кўрасан?" саволини берганда кўпини иккى томонга очиб: "Мана шунча" дейдиган ўша масъум севгини топши эди...

• Қамбаганинг ягона куроли – меҳнатидир.

• Инсон фақат гапиргани эмас, жим тургани олдида ҳам масъуллиятилдири.

• Биласан, эркак унча-мунчага ўйгламайди, бирок у ўигласа, кўз ёшлиари њеч қаҷон соҳта бўймайди.

Кўрар қўзининг қиммати Кўр ёнида кўринур. Соғ қулоқнинг қувончи Кар ёнида билинур.

**МАХТУМКУЛИ.**

Нур шарқдандир

"Кўп вақиллаган донодан кўра, Жим ўтирган нодон яхшироқ, жўра. Бадриддин ХИЛОИЙ.

Кўрар қўзининг қиммати

Кўр ёнида кўринур.

Соғ қулоқнинг қувончи

Кар ёнида билинур.

МАХТУМКУЛИ.

Табобат

## БҮЙ ЎСТИРИШ УЧУН ТАБИЙ МУОЛАЖА

Жийданинг 500 граммини 4 литр субан билан усти ёпиқ идида 20 минут қайнатиб, таркор 2 ой 3 маҳал 40 граммдан ичилса, бўй ўсишига ёрдам қилади.

Бўй ўсмай қолишига кўп дармондорилар етишмаслиги сабаб бўлуди. Жийдада эса бўй ўсиш учун зарур бўладиган ҳамма витамин ва минераллар мавжуд.



Үт пулғи безовта кигланда ҳар куни 2 дона серсув ширин нок ёйлса, оғрик қолади.

Мабодо курак оғриса, елкага тоза асал суртилиб, кафтлар билан уқаланади.

Оёқлардаги замбуруғларни кетказиши учун оёқни бир ошқоши ош тузи да ичимлини содаси эритилган субан билан ювиш тавсия этилади.

## ДАРДЛАРГА ДАВО МАСЛАҲАТЛАР

Киши бирдан кўрқиб кетса, бир пиёла сувга озрок шакар солиб ичиш тавсия қилинади.

Тауке хан шохжӯчаси, 6-йи, 3-қават.

Телефон: 53-07-10. Телефон: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсатчи – 6546.

Адади – 11600 нусха.

Буюртма: 487.

Навбатчи мухаррир: Нариза Мавлонова.